

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1	Тўлиқ	Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”					
	Қисқартирилган Биржа тикерининг номи	АТ “Алоқабанк” ALKB					
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2	Жойлашган ери	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.					
	Почта манзили	100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.					
	Электрон почта манзили	info@aloqabank.uz					
	Расмий веб-сайти	www.aloqabank.uz					
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
Муҳим фактнинг рақами		06					
Муҳим фактнинг номи		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
Умумий йиғилиш тури		Навбатдан ташқари					
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси		10 март 2020 йил					
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана		10 март 2020 йил					
Умумий йиғилиш ўтказилган жой		Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси 4-уйда жойлашган АТ “Алоқабанк” биносининг мажлислар зали					
Умумий йиғилиш кворуми		93,36 фоиз					
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари					
		ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
3	1. АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.	99,79	7 325 717 332	0,21	15 405 122	-	-
	2. Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”нинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида.	99,79	7 325 717 332	0,21	15 405 122	-	-
	3. “Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги, “Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Бошқаруви тўғрисида”ги, “Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” миноритар акциядорлари қўмитасининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Банк Кузатув Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар тўғрисида”ги Низомларни (янги таҳрирда) тасдиқлаш тўғрисида.	99,79	7 325 717 332	0,21	15 405 122	-	-
	4. АТ “Алоқабанк” томонидан “Умидсиз” актив сифатида таснифланиб, банк балансининг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларига ўтказилган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.	99,66	7 316 238 452	0,21	15 405 122	0,13	9 478 880
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
1.	АТ “Алоқабанк” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди.						
2.	1. Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Уставининг янги таҳрири тасдиқланди. 2. Банк Бошқаруви зиммасига Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Уставининг янги таҳририни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилди.						
3.	“Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги, “Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Бошқаруви тўғрисида”ги, “Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” миноритар акциядорлари қўмитасининг фаолияти						

	тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Банк Кузатув Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар тўғрисида”ги Низомларни (янги таҳрирда) тасдиқланди.
4.	Банкнинг Амалиёт бошқармаси, Қорақалпоғистон ва Навоий филиалларида миждозларга ажратилиб, “умидсиз” актив сифатида таснифланган ҳамда охириги беш йил мобайнида ҳисоби банкнинг “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида юритиб келинган 948 207,6 минг сўм асосий қарз ва 186 139,4 минг сўмлик ҳисобланган фоизлар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилди.
4	Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни: Иловага мувофиқ.

Бошқарув Раиси ўринбосари



Н.Насретдинова

Бош бухгалтер



Х.Бўронов

Веб-сайтда ахборот
жойлаштирган ваколатли шахс

М.Чагаев

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ

1-сон БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

АТ «Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **2020 йил 10 март куни, соат 9:00** да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк» биносининг мажлислар залида ўтказилди.

Йиғилишга банк Кенгаши Раиси Ш.Садиков раислик қилди.

Йиғилишда банк акциядорлари, Кенгаш ва Бошқарув аъзолари, Бош банкнинг департамент, мустақил бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда Амалиёт бошқармаси раҳбари иштирок этди.

Маълумотга кўра, банк акциядорларининг 2020 йил 4 март амалиёт куни якуни билан шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан, АТ «Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган овоз берувчи акциядорлар сони 1 329 та, уларга тегишли бўлган жами овоз берувчи акциялар сони 7 862 863 805 донадан иборат бўлди.

.....

2. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида

Юридик бошқарма бошлиғи А.Абдукахаров

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Уставининг янги таҳрири 2017 йил 5 сентябрда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланиб, 2017 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган.

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Уставига акциядорларнинг 2018 йил 24 апрелдаги, 2018 йил 31 июлдаги, 2018 йил 29 сентябрдаги ва 2019 йил 28 майдаги йиғилиши қарорлари ҳамда банк Кенгашининг 2017 йил 20 ноябрдаги, 2017 йил 12 декабрдаги, 2018 йил 24 майдаги, 2018 йил 26 августдаги ва 2019 йил 26 декабрдаги йиғилиши қарорлари билан ўзгартиришлар киритилган бўлиб, ушбу ўзгартиришлар давлат рўйхатига олинган.

2019 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинганлиги боис ушбу қонун талабларига мувофиқ банкнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Уставининг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш масаласи йиғилишда кўриб чиқилди.

Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ушбу масалани муҳокама қилиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Уставининг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Банк Бошқаруви зиммасига Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” Уставининг янги таҳририни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

Ўқлаганлар 7 325 717 332 та овоз; Қаршилар 15 405 122 та овоз; Бетарафлар 0 та овоз.

.....

Кўчирма аслига тўғри

Йиғилиш котиби



И.Ибрахимов

ASLIGA TO'G'RI

«Тасдиқланган»

Акциядорлар умумий йиғилишининг

2020 йил 10 мартдаги

1 – сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси

_____ Ш.М. Садиков

«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки

2020 йил «_____» _____

_____ – сон

Раис ўринбосари

_____ Б.Э. Захидов

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»

УСТАВИ

(Янги таҳрирда)

Тошкент - 2020 йил

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИ
(Янги таҳрирда)

МУНДАРИЖА

I. Умумий қоидалар	3
II. Банк операциялари.....	4
III. Банк устав капитали ва бошқа маблағлари	5
IV. Банк ҳисоботларини тузиш ва соф фойдани тақсимлаш	7
V. Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	8
VI. Банк бошқарув органлари.....	9
VII. Банк таркибий бўлинмалари.....	20
VIII. Банк фаолиятини назорат қилиш тартиби.....	21
IX. Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш.....	22
X. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.....	23

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантиришни маблағ билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида ташкил қилинган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» унинг таъсисчилари ўртасида имзоланган 1994 йил 30 декабрдаги таъсис шартномасига кўра ташкил қилинган бўлиб, ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра акциядорлик жамиятидир.

1.2. Банкнинг номи:

давлат тилида:

кирилл ёзуви асосида – Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»

қисқартирилган номи – АТ «Алоқабанк»

лотин ёзуви асосида – Aksiyadorlik tijorat «Aloqabank»

қисқартирилган номи – АТ «Aloqabank»

рус тилида:

Акционерно-коммерческий «Алокабанк»

қисқартирилган номи – АК «Алокабанк»

инглиз тилида:

Joint-Stock Commercial Aloqabank

қисқартирилган номи – JSC Aloqabank.

1.3. АТ «Алоқабанк» (кейинги ўринларда «Банк» деб аталади) ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига ва мазкур Уставга риоя қилган ҳолда амалга оширади.

1.4. Банкнинг фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган бўлиб, у юридик шахс ҳисобланади ва ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулки билан жавобгар бўлади. Банк, қонун ҳужжатларига мувофиқ, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширади, иқтисодий, фуқаролик ва ҳакамлик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.5. Банк ўзининг филиаллари билан биргаликда ягона юридик шахс бўлиб, у мустақил балансда ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкга эга. Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва давлат Банкнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Банк ўз филиалларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланади.

Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.6. Банк ўзининг номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган думалоқ муҳрига эга бўлади. Банк ва унинг таркибий тузилмалари муҳрларида банкнинг номи давлат тилига қўшимча равишда рус тилида ёки инглиз тилида кўрсатилиши мумкин. Банк ўз

номидан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқига эга.

Банк ўзининг номи ёзилган тамгалари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлади.

1.7. Банкнинг жойлашган жойи ва почта манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.

Банкнинг электрон почта манзили: info@aloqabank.uz

II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

2.1. Банк Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Марказий банк томонидан берилган, банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширади.

2.2. Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қуйидагилар киради:

2.2.1. пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

2.2.2. тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

2.2.3. жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

2.2.4. кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

2.2.5. чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;

2.2.6. жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

2.2.7. инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

2.2.8. учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

2.2.9. учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

2.2.10. қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

2.2.11. аффилланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

2.2.12. қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

2.2.13. ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

2.2.14. ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

2.2.15. лизинг бериш;

2.2.16. қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

2.2.17. молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

2.2.18. активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

2.2.19. электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

2.2.20. банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

2.3. Банк банклар ва банк фаолиятига оид қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

2.4. Банк банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

2.5. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ лойиҳаларни давлат бюджетининг маблағлари ва бошқа марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириши мумкин.

2.6. Банк ўз операцияларини амалга ошириш ва пул маблағларини сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида, резидент ва норезидент банкларида сўмда ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлар очади.

2.7. Банк ўз маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг барча шаклдаги ҳисобварақларидаги маблағларидан, бошқа банклардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлардан, амалиёт (операцион) йили давомида тақсимланмаган фойдадан кредитлаш, инвестициялаш ва банклараро депозитлар ресурслари сифатида фойдаланиши мумкин.

III. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ

3.1. Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда Банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

3.1.1. Банк акцияларини Банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва Банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

3.1.2. қимматли қоғозларни Банк акцияларига айирбошлаш;

3.1.3. Банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини Банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

3.2. Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

3.3. Банк томонидан чиқарилган акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ очиқ ёки ёпиқ обуна усулида амалга оширилади. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш усули (очиқ ёки ёпиқ обуна) Банк Кузатув кенгаши қарори билан белгиланади.

3.4. Барча турдаги Банк акцияларининг номинал қиймати бир хил бўлиб, 121 (бир юз йигирма бир) сўмни ташкил қилади.

3.5. Банк устав капитали 953 584 520 405 (тўққиз юз эллик уч миллиард беш юз саксон тўрт миллион беш юз йигирма минг тўрт юз беш) сўмни ташкил этиб, қуйидаги акцияларга тақсимланган:

3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 7 862 863 805 (етти миллиард саккиз юз олтмиш икки миллион саккиз юз олтмиш уч минг саккиз юз беш) дона, номинал қиймати

бўйича жами суммаси 951 406 520 405 (тўққиз юз эллик бир миллиард тўрт юз олти миллион беш юз йигирма минг тўрт юз беш) сўм, жами акцияларнинг 99,77 фоизи;

3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар – 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 2 178 000 000 (икки миллиард бир юз етмиш саккиз миллион) сўм, жами акцияларнинг 0,23 фоизи.

3.6. Устав капиталини ошириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 14 925 094 216 (ўн тўрт миллиард тўққиз юз йигирма беш миллион тўқсон тўрт минг икки юз ўн олти) донани ташкил этади, шу жумладан:

3.6.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони – 14 917 094 216 (ўн тўрт миллиард тўққиз юз ўн етти миллион тўқсон тўрт минг икки юз ўн олти) дона;

3.6.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони – 8 000 000 (саккиз миллион) дона.

3.7. Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва камайитириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3.8. Захира фонди ва бошқа фондлар Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ташкил этилади ва шакллантирилади.

3.9. Захира фонди Банк устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳар йили соф фойдадан ажратиладиган маблағлар ҳисобига шакллантирилиб борилади. Захира фондига ҳар йиллик ажратма миқдори соф фойданинг камида 5 (беш) фоизини ташкил этади.

3.10. Банкнинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, Банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

IV. БАНК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА СОФ ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ

4.1. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро стандартларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда бухгалтерия ҳисоботини юритади ва молиявий ҳисоботни тақдим этади.

4.2. Банкнинг молиявий йил ҳисоботлари белгиланган тартибда мустақил аудиторнинг хулосаси асосида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

4.3. Банкнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги Банкнинг Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

4.4. Банкнинг молиявий йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

4.5. Банкнинг соф фойдаси унинг тасарруфида қолади ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича Банкнинг захира фондиди ва бошқа фондларини шакллантиришда фойдаланилади, акциядорлар ўртасида дивидендлар кўринишида тақсимланади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Уставда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

4.6. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Банкнинг захира фонди Банкнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш

учун мўлжалланади.

4.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

4.8. Акциядорларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Банк акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

4.9. Эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар эгалари Банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар акциянинг номинал қийматига нисбатан 40 (қирқ) фоиз миқдорида имтиёзли тарзда дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

4.10. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда соф фойдани тақсимланиши чекланади.

4.11. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак бўлганда, соф фойда розилик олингандан сўнг тақсимланади.

4.12. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда дивиденд олиши чекланган акциядорнинг дивиденди тўлаб берилмайди.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Банкнинг акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. акциядорлар реестрига киритилиш ва ўзи ҳақида депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;

5.1.2. Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ва олинган дивидендни эркин тасарруф этиш;

5.1.3. акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;

5.1.4. Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

5.1.5. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

5.1.6. ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

5.1.7. қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;

5.1.8. акциядорлар умумий йиғилишида ўз вакили орқали иштирок этиш, ўз вакилини исталган вақтда алмаштириш ёки унда шахсан иштирок этиш;

5.1.9. Банк тугатилган тақдирда акциядорга тегишли улушга мос равишда мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

5.1.10. акциядорларга етказилган зарарнинг ўрни қопланишини қонунчилик билан белгиланган тартибда талаб қилиш.

5.2. Акциядорлар ушбу Уставда ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эгалар.

5.3. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Банк акциядорларининг ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

5.4. Банкнинг барча акциялари эгасининг номи ёзилган акциялардир. Банкнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳуқуқлар беради. Оддий акцияларнинг эгалари акциядорларнинг умумий йиғилишида, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколлатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

5.5. Банкнинг оддий акцияларининг камида 1 (бир) фоизининг эгаси бўлган акциядор Банк Кузатув кенгаши мажлисининг чақирилишини талаб қилиш ҳамда кун тартиби, фойданинг тақсимланиши, Банк Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифларни киритиш ҳуқуқига эга, шунингдек, номзодларни Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилишидан аввал алмаштириши мумкин.

5.6. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

5.7. Банк акциядорлари ҳужжатларни ноқонуний талаб қилиш ва махфий маълумотдан, тижорат сиридан фойдаланиш йўли билан Банкнинг бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

5.8. Банкнинг имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар, акциядорларнинг умумий йиғилишида қуйидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар:

5.8.1. Банкни тугатиш, қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) тўғрисидаги масалалар кўрилганда;

5.8.2. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича тўланадиган дивидендлар миқдорини камайтириш масалалари кўрилганда.

5.9. Банкнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади. Имтиёзли акция эгалари Банкни тугатиш пайтида имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан ушбу Уставда белгилаб қўйилган дивидендлар фоизини ва улуш қилиб қўйилган маблағларини номинал қийматидан кам бўлмаган миқдорда тугатилиш қийматида олиш ҳуқуқига эга.

5.10. Банкнинг акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

5.10.1. Банкнинг конфиденциал маълумотларини ошкор қилмаслик;

5.10.2. Банк ўз фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳамда назорат қилувчи (тартибга солувчи) давлат органи талабларини бажариш учун зарур маълумотларни (ахборотларни) Банкка бир иш куни давомида тақдим этиш;

5.10.3. қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар ҳақида Банкни бир иш куни давомида хабардор этиш;

5.10.4. қонун талабларига мувофиқликни таъминлаш учун Банк томонидан сўраб олинадиган ахборотни бир иш куни давомида тақдим этиш;

5.10.5. ушбу Уставда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бажариш.

VI. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

6.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банкнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви Банкнинг бошқарув органларидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши

6.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши (кейинги ўринларда «Умумий йиғилиш» деб аталади) Банкнинг юқори бошқарув органидир. Умумий йиғилиш йиллик йиғилиш бўлиши ва навбатдан ташқари тартибда ўтказилиши мумкин.

6.3. Йиллик Умумий йиғилишлар молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кеч бўлмаган муддатда ўтказилади. Йиллик Умумий йиғилишда мажбурий тартибда Банкнинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлари, фойда ва зарарларни тақсимлаш ҳамда Банк Кузатув кенгаши киритган бошқа масалалар кўриб чиқилади. Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини Банк Кузатув кенгаши белгилайди.

6.4. Ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоиз овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар (акциядор), молиявий йил тугаганидан кейин 45 (қирқ беш) календарь кундан кеч бўлмаган муддатда йиллик Умумий йиғилишнинг кун тартибига таклифларни киритиш ҳамда Банк Кузатув кенгашига ва Банк Тафтиш комиссиясига тегишли органнинг миқдорий таркибидан ортиқ бўлмаган миқдорда номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга.

6.5. Навбатдан ташқари йиғилишлар Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Банк Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби бўйича ўтказилади.

6.6. Умумий йиғилиш унинг кун тартибига киритилмаган масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

6.7. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига Умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни аввал шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

6.8. Умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги хабар Умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

6.9. Умумий йиғилишнинг қарорлари, шунингдек овоз бериш яқунлари тўғрисида ахборот Умумий йиғилиш ёпилганидан сўнг маълум қилинади ҳамда Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

6.10. Умумий йиғилишнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

6.10.1. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

6.10.2. Банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

6.10.3. Банк Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган масалаларга доир ҳисоботларни, шу жумладан, Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган

талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;

6.10.4. Банк Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

6.10.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6.10.6. Банкнинг устав капиталини кўпайтириш;

6.10.7. Банкнинг устав капиталини камайтириш;

6.10.8. ўз акцияларини қайта сотиб олиш;

6.10.9. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдори чегарасини белгилаш;

6.10.10. 3 (уч) аъзодан иборат Миноритар акциядорлар қўмитасини ташкил этиш;

6.10.11. Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

6.10.12. Банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;

6.10.13. Банкнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

6.10.14. Банкнинг акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

6.10.15. Банкнинг Умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

6.10.16. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

6.10.17. кредитлар берилиши, активлар ва пасивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш ва Банк мижозларига янги турдаги хизматлар кўрсатиш соҳасидаги сиёсатлари асосий йўналишларини белгилаш;

6.10.18. Банкнинг «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида»ги, «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Кузатув кенгаши тўғрисида»ги, «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Бошқаруви тўғрисида»ги, «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги, «Банк Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар тўғрисида»ги Низомларини ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

6.10.19. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар тузиш;

6.10.20. битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулкни сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

6.10.21. баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача қийматини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Банк Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинмаган бўлса ва Банк Кузатув кенгашининг қарорига биноан Умумий йиғилишнинг қарори қабул қилиниши учун берилган бўлса, ушбу йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

6.10.22. Банкнинг ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

6.10.23. Банк томонидан хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам кўрсатилишининг чегарасини белгилаш;

6.10.24. амалдаги қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

6.11. Умумий йиғилишнинг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш Банк Бошқарувига берилиши мумкин эмас.

6.12. Умумий йиғилишнинг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш Банк Кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

6.13. Агар, Умумий йиғилишда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган вақтга келиб, Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (элик) фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Умумий йиғилиш ваколатли (кворум тўплаган) деб ҳисобланади.

Умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум бўлмаса, такрорий Умумий йиғилишни ўтказиш санаси эълон қилинади. Такрорий Умумий йиғилишни ўтказишда кун тартибига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

6.14. Ўтказилмай қолган Умумий йиғилиш ўрнига такрорий чақирилган Умумий йиғилишда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами 40 (қирқ) фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли деб ҳисобланади.

6.15. Умумий йиғилиш ўз фаолиятини Банкнинг «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низоми асосида олиб боради, ушбу Низом, шунингдек кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилаб беради.

6.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядор Умумий йиғилишда овоз беришга, навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга, шунингдек Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ҳуқуқи чекланган тақдирда юқоридаги нормалар амал қилмайди.

6.17. Акциядор Умумий йиғилишда овоз беришга, навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга, шунингдек Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ҳуқуқи чекланмаганлигини ёки чеклов бекор қилинганлигини исботлаши шарт.

Банк Кузатув кенгаши

6.18. Банкнинг Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман Банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

6.19. Банк Кузатув кенгаши 9 (тўққиз) нафар аъзодан иборат бўлади. Банк Кузатув кенгаши ушбу Уставда назарда тутилган тартибда Умумий йиғилиш томонидан 1 (бир) йиллик муддатга сайланадилар. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

6.20. Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга

оширилади.

6.21. Банк Кузатув кенгашининг Раиси Банк Кузатув кенгашининг аъзолари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Банк Кузатув кенгаши Раисининг ўринбосари ҳам Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра шу тартибда сайланиши мумкин.

6.22. Банк Бошқарувининг Раиси ва Банк Бошқарувининг аъзолари Банк Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Банкда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар Банк Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас. Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

6.23. Банк Кузатув кенгаши йиғилишида масалаларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси 1 (бир) овозга эга бўлади. Банк Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум Банк Кузатув кенгашига сайланган аъзолари сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизини ташкил қилиши керак.

6.24. Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

6.25. Банк Кузатув кенгашининг йиғилиши Банк Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банкнинг Ички аудит хизмати раҳбари, Банкнинг ташқи аудитори ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа шахсларнинг талаби билан чақирилади.

6.26. Банк Кузатув кенгаши қуйидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда ваколатларга эга:

6.26.1. Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

6.26.2. йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларни чақириш, Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

6.26.3. Умумий йиғилишнинг кун тартибини тайёрлаш;

6.26.4. Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6.26.5. Банк Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун Умумий йиғилишга киритиш;

6.26.6. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

6.26.7. акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масалаларни Умумий йиғилишнинг кун тартибига киритиш, ҳамда Банк Кузатув кенгашини, Миноритар акциядорларнинг қўмитасини ва Тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлаш учун овоз бериладиган номзодларнинг рўйхатига номзодларни киритиш;

6.26.8. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

6.26.9. Банкнинг йиллик бизнес режасини тасдиқлаш ва унинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

6.26.10. Банкнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш, стратегиянинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш ва уни ҳар йили долзарблаштириш;

6.26.11. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;

6.26.12. Банкнинг Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, Ички аудит хизмати билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда Ички аудит хизматининг фаолияти устидан назорат қилиш;

6.26.13. Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизимининг ташкил этилишининг асосий тамойилларини ва ёндашувларини белгилаш;

6.26.14. Банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор бўлган ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун Банк Бошқарувидан уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

6.26.15. Банк Бошқаруви Раисини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

6.26.16. Банк Бошқарувининг аъзоларини Бошқарув Раисининг тақдимномаси асосида сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк Бошқарувининг фаолияти устидан назорат қилиш;

6.26.17. Банк Бошқарув Раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдори чегараси доирасида уларга тўланадиган ҳақ, мукофотлар ва компенсациялар миқдорини белгилаш, Банк Бошқарувини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

6.26.18. Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

6.26.19. Банкнинг кадрлар сиёсатини белгилаш, Банкнинг департамент директорлари, бошқарма бошлиқлари, Амалиёт бошқармаси бошлиғи ва филиал раҳбарлари ҳамда уларнинг бош бухгалтерларини тасдиқлаш, уларнинг ўз вазифаларини бажариши устидан назорат қилиш;

6.26.20. Банкнинг иш ҳақини тўлаш соҳасидаги сиёсатини амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шу жумладан Банкнинг департамент директорлари, бошқарма бошлиқлари, Амалиёт бошқармаси бошлиғи ва филиал раҳбарлари ҳамда уларнинг бош бухгалтерларининг иш ҳақи миқдорини мониторинг қилиш;

6.26.21. Банк Кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) харажатлари қопланиши (компенсациялар) бўйича Банкнинг сиёсатини белгилаш;

6.26.22. акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

6.26.23. Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш;

6.26.24. Банк Бошқарувининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

6.26.25. Банкнинг шўъба ва тобе ташкилотларида йирик битимларни, тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни, кўчмас мулкни бегоналаштиришга доир битимларни маъқуллаш масалалари бўйича Банкнинг фикрини белгилаш;

6.26.26. Банк филиалларини ва ваколатхоналарини, шўъба корхоналарини ташкил этиш, тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

6.26.27. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача миқдорини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор

- Банк Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинмаган ҳолда, уни Умумий йиғилишнинг ҳукмига ҳавола этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 6.26.28. тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш;
- 6.26.29. Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимлар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 6.26.30. Банкнинг одатдаги хўжалик фаолиятига тааллуқли бўлмаган ва Банкнинг, Банк капиталининг 5 (беш) фоизидан ортиқ миқдорда пул маблағларини тўлаш юзасидан мажбуриятлари юзага келишига олиб келувчи ҳар қандай битимни ёки бир нечта ўзаро боғлиқ битимларнинг Банк томонидан тузилиши маъқуллаш;
- 6.26.31. Банкнинг кўчмас мулкни бегоналаштириш юзасидан битимларни маъқуллаш;
- 6.26.32. Банк Бошқаруви ва Банкнинг ҳудудий бошқармалари ва бўлинмалари раҳбарлари билан биргаликда Банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар бўлиш;
- 6.26.33. амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;
- 6.26.34. Банкнинг асосий фаолият турлари юзасидан Банк сиёсатини тасдиқлаш, Банк сиёсатларининг иқтисодий шароитларга, Банкнинг ҳолатига, амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқлиги устидан назорат қилиш;
- 6.26.35. Банкда корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш ва корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, Банкда корпоратив бошқарувнинг амалиётини назорат қилиш;
- 6.26.36. йиллик ҳисоботларни, фойда ва зарарлар ҳисобварағини кўриб чиқиш ва уларни умумий йиғилишга тасдиқлаш учун киритиш;
- 6.26.37. Банкнинг бухгалтерлик (молиявий), статистик, бошқарув ҳисоботининг тўлиқлигини ва ҳаққонийлигини таъминлаш;
- 6.26.38. ҳар чорақда Банк Бошқаруви Раисининг ҳамда ички аудити хизмати раҳбарининг Банк фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш;
- 6.26.39. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- 6.26.40. Банк Уставига Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- 6.26.41. акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 6.26.42. Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошладиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 6.26.43. ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 6.26.44. Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 6.26.45. Умумий йиғилиши билан белгиланган чегаралар ичида хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдамнинг кўрсатилиши тартибини, шартларини белгилаш;
- 6.26.46. миноритар акциядорлар қўмитасининг Банк ҳисобидан таъминоти учун харажатларини тасдиқлаш (миноритар акциядорлар қўмитаси тузилган ҳолда);

6.26.47. стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

6.26.48. активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек Банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

6.26.49. манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

6.26.50. Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

6.26.51. Банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

6.26.52. Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чорақда Банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

6.26.53. Банкнинг Ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек Банк Ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида Банк Бошқаруви томонидан Банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

6.26.54. Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

6.26.55. Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

6.26.56. бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида Умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

6.26.57. йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

6.26.58. Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

6.26.59. Банк Кузатув кенгашининг ваколатларига ушбу Уставга ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

6.27. Банк Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш Банк Бошқарувига берилиши мумкин эмас.

6.28. Қуйидагилар Банк Кузатув кенгашининг мажбуриятлари ҳисобланади:

6.28.1. ўз ваколатларини Банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

6.28.2. Банкка оқилона раҳбарлик қилишни таъминлаш;

6.28.3. Банк фаолияти, кредитларнинг тўғри берилиши ва маблағларнинг инвестицияга йўналтирилиши устидан назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида).

6.29. Банк Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Банк Кузатув кенгашининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, умумий йиғилишда раислик қилади. Банк Кузатув кенгашининг

Раиси бўлмаган пайтида унинг вазифасини Банк Кузатув кенгаши Раисининг ўринбосари бажариб туради.

6.30. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари Банк фаолиятига доир қарорлар қабул қилишда холисона тарзда иш тутишлари шарт. Улар ўзларига берилган имкониятлардан ушбу Устав қоидаларига зид равишда ёки Банкнинг мулкӣ ёки номулкий манфаатларига зид равишда фойдаланишлари тақиқланади. Банк Кузатув кенгашининг вазифалари, иш фаолиятининг ташкил этилиши, уни сайлаш тартиби ва Банк Кузатув кенгашининг ишлаш тартиби «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

Банк Бошқаруви

6.31. Банк Бошқаруви Банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ Банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда Банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

6.32. Банк Бошқарувининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

6.32.1. Банк фаолиятини ташкил этиш ва унга тезкор раҳбарлик қилишни амалга ошириш, Банк Уставида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

6.32.2. Банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкаларини ва воситачилик ҳақи миқдорини ишлаб чиқиш ва белгилаш;

6.32.3. Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган иқтисодий нормативларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мажбурий захираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлаш;

6.32.4. Банкнинг капитали ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, уларни таснифлаш асосида шубҳали ва бекор турган активларга қарши захиралар яратилишини таъминлаш, зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида Банк активларининг турларини кўпайтириш;

6.32.5. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва халқаро стандартларга мувофиқ Банкнинг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этиш;

6.32.6. Банкнинг шўъба корхоналари, минтақавий филиаллари, туман филиаллари ва бошқа таркибий тузилмаларига раҳбарлик қилиш, улар фаолиятини барча йўналишлар бўйича назорат қилиш, Банк учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилиш;

6.32.7. Банк Умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;

6.32.8. Банк акциядорлари ва Банк Кузатув кенгашининг биринчи талабига биноан молиявий ҳисоботни ва Банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни тақдим этиш;

6.32.9. Банк Кузатув кенгашига Банк фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот бериш;

6.32.10. ўзининг ваколатлари доирасида, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш масалаларини ҳал қилиш, Банкнинг раҳбарлик лавозимларига номзодларни Банк Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;

6.32.11. Банкнинг штат жадвали билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;

6.32.12. ўзининг ваколатлари доирасида Банкнинг нормал фаолият кўрсатиши учун лозим бўлган мол-мулкни сотиб олиш ёки сотиш масаласини ҳал қилиш;

6.32.13. стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириши;

6.32.14. Банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни Банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

6.32.15. Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

6.32.16. Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек Банк Умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этиши;

6.32.17. Ушбу Уставда ҳамда банклар ва банк фаолияти оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

6.33. Банк Бошқарувининг ваколатларига, Умумий йиғилишнинг ваколатлари ва Банк Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш киритилган.

6.34. Банк Бошқаруви Банк Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун Банкни ривожлантириш стратегияси, Банкнинг ташкилий бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади. Банк Бошқаруви Банк фаолияти учун муҳим бўлган ҳар қандай масалани Банк Кузатув кенгашининг муҳокамасига киритиши мумкин.

6.35. Банк Бошқаруви қўйидаги ҳуқуқларга эга:

6.35.1. ўз ваколат доирасида Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш, таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, барча филиаллари, таркибий тузилмалари ва ходимлари бажариши мажбурий бўлган қарорларни чиқариш;

6.35.2. вазирликлар, идоралар, жамғармалар, жамоат ва тижорат ташкилотлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан, халқаро ташкилотлар ва уларнинг вакиллари билан, чет эл банклари ва уларнинг вакиллари билан музокараларни олиб бориш;

6.35.3. ўзининг ваколатлари доирасида Банк томонидан кредит ажратилиши, инвестициялар киритилиши ёки жалб қилинишига доир битимларни тузиш;

6.35.4. Банкнинг Кредит қўмитаси, филиаллар кредит комиссиялари ва бошқа ишчи гуруҳларнинг таркибини шакллантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

6.35.5. Банкнинг раҳбар ходимларини тайинлаш, улар учун ва бошқа ходимлари учун малака талаблари ўрнатиш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш, рағбатлантириш ёки интизомий жазога тортиш юзасидан қарорлар қабул қилиш.

6.36. Банк Бошқарувининг бошқа вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Бошқаруви тўғрисида»ги Низомда белгиланади.

6.37. Банк Бошқарувида Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади. Бошқарув Раиси Умумий йиғилиш ва Банк Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради ва у Банкнинг жорий фаолияти натижалари учун ўз ваколатлари доирасида жавобгар бўлади. Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини Банк Кузатув кенгашининг қарорига асосан Банк номидан Банк Кузатув кенгашининг Раиси тузади. Меҳнат шартномаси 1 (бир) йил муддатга тузилади.

6.38. Бошқарув Раиси қуйидаги ваколатларга эга:

6.38.1. ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлайди, унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;

6.38.2. ўз ваколатлари доирасида ва амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда Банк фаолияти устидан назоратни амалга оширади, фойдали ва манфаатли бўлган иқтисодий бошқариш усулларини қўллайди, Банк ишчи жамоасининг истакларини ва ташаббусларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиб беради;

6.38.3. Банк мулкани ва маблағларини тасарруф этади, Банк номидан шартномалар, мажбуриятлар ва ишончномаларни имзолайди;

6.38.4. Ўзбекистон Республикасидаги тижорат ва давлат ташкилотларида ва бошқа давлатларда банк фаолияти масалалари бўйича вакилликни амалга оширади;

6.38.5. Банк номидан ишончномалар беради, шартномаларни имзолаш тартибини белгилайди;

6.38.6. Банкнинг штат жадвалини тасдиқлайди ва штатлар жадвалига ўзгартиришларни киритади, Банк Бошқарувининг аъзолари орасида мажбуриятларни тақсимлайди. Штат жадвали ва тузилган шартномалар асосида Банкнинг мансабдор шахсларини тайинлайди ва ишдан бўшатади, Банк ходимларининг иш ҳақини белгилайди, ҳамда намунали ишлаган ходимларни тақдирлайди, меҳнат вазифаларини бузганлиги учун интизомий жазолар қўллайди, Банк ходимлари билан меҳнат шартномасини, қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ тузади;

6.38.7. Бошқарув Раиси ўринбосарларининг, бўлинмалар раҳбарларининг жавобгарлик чегараларини белгилайди;

6.38.8. Банкнинг бўлинмалари ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

6.38.9. Бошқарув Раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.39. Бошқарув Раиси ишончномасиз фаолият юритади. Банк Бошқарув Раиси Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Бошқарув аъзолари, бош бухгалтер, филиал бошқарувчилари ва бош ҳисобчилари ҳамда Банкнинг Бош офис ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади.

6.40. Банк бошқаруви 9 (тўққиз) нафар аъзодан иборат бўлиб, Банк Бошқарувининг аъзолари Бошқарув Раисининг тақдимномаси асосида Банк Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

6.41. Банк Бошқаруви йиғилиши зарурият бўйича лекин ойига камида 1 (бир) марта чақирилиши лозим.

6.42. Банк Бошқарувининг йиғилиши унинг 60 (олтмиш) фоиз амалдаги аъзолари иштирок этган ҳолда қарор қабул қилиш учун ваколатли деб ҳисобланади.

6.43. Бошқарув қарорлари овозларнинг кўпчилиги билан қабул қилинади.

VII. БАНК ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИ

7.1. Банк амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз филиаллари, шўъба корхоналари ва ваколатхоналарга эга бўлиши мумкин.

7.2. Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс мақомини олмаган ҳолда ўз фаолиятини Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низомлар асосида амалга оширадilar.

7.3. Филиаллар ва ваколатхоналарнинг раҳбарлари Банк Бошқаруви томонидан тайинланади ва Банк Кузатув кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

7.4. Филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларининг ваколатлари Банк Бошқарувининг Раиси томонидан бериладиган ишончнома билан, тегишли филиал (ваколатхона) тўғрисидаги Низом билан ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

VIII. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш Банкнинг Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати, ташқи аудиторлик ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

8.2. Банкнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш Банкнинг Умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) аъзоси таркибида 1 (бир) йил муддатга сайланадиган Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

8.3. Банк Кузатув кенгаши, Банк Бошқарувининг аъзолари ёки Банкда меҳнат шартномаси асосида бошқа бирор-бир лавозимда ишлайдиган шахслар Тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиб сайланиши мумкин эмас.

8.4. Айни бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчи бўлиб) кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

8.5. Тафтиш комиссияси аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларни виждонан ва холисона бажарилиши учун жавобгар бўлади. Тафтиш комиссия унга юклатилган вазифаларни бажариш чоғида Банкда ишламайдиган шахслар орасидан экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

8.6. Тафтиш комиссияси Банк томонидан банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини, Банкнинг ички назорат тизимини, кредит, ҳисоб-китоб, валюта ва Банк томонидан бир ҳисобот йили ичида амалга оширилган операцияларни (тўлиқ танлов олинган ҳолда), касса ва мол-мулкнинг ҳолатини текширади.

8.7. Тафтиш комиссияси исталган вақтда Банк молия-хўжалик фаолиятини текширишни ўтказиш ҳамда банк фаолиятига доир ҳар қандай ҳужжатни талаб қилиб олиш ва уларни олиш ҳуқуқига эга.

8.8. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Банк Кузатув кенгашининг аъзолари, Банк Бошқарув Раиси, Банк Бошқарувининг аъзолари керакли тушунтиришларни оғзаки ва ёзма шаклда тақдим этишлари шарт. Молия-хўжалик фаолиятни тафтиш қилиш ёки текшириш акциядорларнинг топшириғи бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

8.9. Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган тафтишлар ва текширишларнинг натижалари тўғрисида Банк Кузатув кенгашини хабардор қилади, ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни бериш ҳуқуқига эга. Тафтиш комиссиясининг хулосалари умумий йиғилишга тақдим этилади.

8.10. Тафтиш комиссияси аъзолари Банк манфаатлари учун жиддий хавф юзага келган ҳолларда навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақирилишини талаб қилиши шарт.

8.11. Тафтиш комиссиясининг фаолияти Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

8.12. Молиявий (бухгалтерлик) ҳисоботининг ҳаққонийлигини, унинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлигини текшириш ва тасдиқлаш учун Банк шартнома асосида қонун ҳужжатларга мувофиқ аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотини жалб қилади. Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилотларини танлаш бўйича танлов якунларига кўра умумий йиғилишга Банк Кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинади.

8.13. Банк Кузатув кенгаши, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда, Банк Бошқарувининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаблари асосида фаолият юритувчи Ички аудит хизматини шакллантиради. Банк Кузатув кенгаши Ички аудит хизматининг Низомини тасдиқлайди.

8.14. Ички аудит хизмати Банк Бошқаруви, Банкнинг ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Банк Бошқаруви, Банкнинг ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

8.15. Акциядорлар ўртасида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш чоралари қонун ҳужжатлар ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

IX. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

9.1. Банкни қайта ташкил этиш Умумий йиғилишнинг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг рухсати билан амалга оширилади.

9.2. Банк Марказий банкнинг талабига кўра ҳам қайта ташкил этилиши мумкин.

9.3. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва Банкни тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий шаклда амалга оширилади.

9.4. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк қайта ташкил этилади ва тугатилади.

X. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

10.1. Банк Уставига киритилган ва Банкнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган барча ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинади.

10.2. Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар учинчи шахслар учун давлат рўйхатига олинган вақтдан эътиборан кучга киради.

10.3. Мазкур Устав рўйхатга олинган вақтдан бошлаб Банк Уставининг барча аввалги ва аввал рўйхатдан ўтказилган таҳрирлари, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.